



MECHANISMS FOR COMBATING CORRUPTION IN THE BODIES OF THE COMPULSORY ENFORCEMENT BUREAU

Ilkhom Safarov

Master's student

Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: ib safarov@gmail.com

ABOUT ARTICLE

Key words: Bureau of Compulsory Enforcement, corruption, anti-corruption, enforcement, transparency, accountability, reforms, rule of law, civil service, internal control.

Received: 10.04.25

Accepted: 12.04.25

Published: 14.04.25

Abstract: This article is dedicated to the mechanisms of combating corruption in the bodies of the Bureau of Compulsory Execution (Bureau). It analyzes the negative impact of corruption on the Bureau's activities, reforms being implemented in this area in Uzbekistan, as well as existing problems and ways to address them. The article examines the organizational and legal foundations of anti-corruption efforts, international experience, and best practices. The author has developed a series of proposals and recommendations to reduce corruption risks and enhance the transparency of the Bureau's operations.

МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИ ОРГАНЛАРИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Илхом Сафаров

магистратура тингловчиси

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиши академияси

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: ib safarov@gmail.com

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Мажбурий ижро бюроси, коррупция, коррупцияга қарши курашиш, ижро иши, шаффоффлик, хисобдорлик, ислоҳотлар, қонун устуворлиги, давлат хизмати, ички назорат.

Аннотация: Ушбу мақола Мажбурий ижро бюроси (Бюро) органларидағи коррупцияга қарши курашиш механизмларига бағишиланган. Унда коррупциянинг Бюро фаолиятига салбий таъсири, Ўзбекистонда бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар, шунингдек, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф

этиш йўллари таҳлил қилинган. Мақолада коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-хуқуқий асослари, халқаро тажриба ва илғор амалиётлар ҳам кўриб чиқилган. Муаллиф томонидан Бюро органларида коррупция хавфини камайтириш ва фаолият шаффоғлигини ошириш бўйича бир қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

МЕХАНИЗМЫ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ КОРРУПЦИИ В ОРГАНАХ ПРИНУДИТЕЛЬНОГО ИСПОЛНЕНИЯ

Ильхом Сафаров

студент магистратуры

Академия правоохранительных органов Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

E-mail: jbsafarov@gmail.com

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Бюро принудительного исполнения, коррупция, борьба с коррупцией, обеспечение соблюдения законодательства, прозрачность, подотчетность, реформы, верховенство закона, государственная служба, внутренний контроль.

Аннотация: Данная статья посвящена механизмам противодействия коррупции в органах Бюро принудительного исполнения (Бюро). В ней анализируются негативное влияние коррупции на деятельность Бюро, реформы, проводимые в этой сфере в Узбекистане, а также существующие проблемы и пути их решения.

Рассматриваются организационно-правовые основы противодействия коррупции, международный опыт и передовые практики. Автором разработан ряд предложений и рекомендаций по снижению коррупционных рисков и повышению прозрачности деятельности органов Бюро.

Кириш

Мажбурий ижро бюроси (Бюро) органлари суд қарорлари ва бошқа ижро хужжатларининг амалга оширилишини таъминлашда муҳим давлат институти сифатида хизмат қиласди. Ушбу органларнинг асосий вазифаси қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, фуқаролар ва юридик шахсларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда ижтимоий адолатни таъминлашдан иборатdir. Бироқ, Бюро фаолиятида коррупция хавфининг мавжудлиги ушбу вазифаларнинг самарали амалга оширилишига жиддий тўсқинлик қиласди. Коррупция нафақат ижро жараёнининг шаффоғлиги ва адолатлилигига путур етказади, балки фуқароларнинг давлат органларига бўлган ишончини сўндиради ва мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим ислоҳотлар амалга оширилмоқда. 2017 йилда қабул қилинган "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ти Қонун (ЎРҚ-419-сон) ушбу йўналишдаги давлат сиёсатининг хуқукий асосини яратди. Ушбу қонун коррупциянинг таърифи, унинг кўринишлари ва унга қарши курашиш чораларини белгилаб берди. Шу билан бирга, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараккиёт стратегиясида коррупцияга қарши курашиш асосий устувор вазифалардан бири сифатида кўрсатилди. Бу стратегия доирасида давлат органлари фаолиятининг шаффоғлигини ошириш ва коррупция хавфини камайтириш бўйича аниқ вазифалар белгиланган. Бироқ, амалиётда бу чораларнинг самарадорлиги тўлиқ таъминланмаганлиги ва Бюро ходимлари томонидан коррупциявий хукуқбузарликларга йўл қўйилиши давом этмоқда.

Коррупциянинг глобал миқёсдаги таъсири ҳакида фикр юритар эканмиз, Transparency International ташкилоти томонидан эълон қилинган 2024 йилги Коррупцияни идрок этиш индекси (CPI) маълумотларига кўра, Ўзбекистон 100 баллдан 32 балл тўплаб, 180 мамлакат орасида 121-ўринни эгаллади. Бу кўрсаткич мамлакатда коррупцияга қарши курашиш борасида амалий чора-тадбирлар амалга оширилаётганига қарамай, муаммо ҳали ҳам долзарблигини кўрсатади.

Халқаро тадқиқотчи Susan Rose-Ackerman ўз тадқиқотларида коррупция давлат институтларининг самарадорлигини пасайтириб, қонун устуворлигига путур етказишини таъкидлайди. Ушбу муаммо Ўзбекистондаги Бюро фаолиятига ҳам тўғридан-тўғри тааллуқли бўлиб, ижро жараёнидаги коррупциявий хавфлар натижасида ундирувчилар ва қарздорлар ўртасидаги муносабатларда адолатсизлик юзага келади.

Ушбу мақоланинг асосий мақсади Мажбурий ижро бюроси органларида коррупцияга қарши курашишнинг самарали механизmlарини илмий асосда ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этиш бўйича тавсиялар тақдим этишдан иборатдир. Тадқиқот жараёнида қуйидаги вазифаларга эришиш кўзда тутилди:

Бюро органларида коррупциянинг асосий кўринишлари ва уларнинг сабабларини аниқлаш;

Коррупцияга қарши курашишнинг миллий ва халқаро механизmlарини таҳлил қилиш;
Ўзбекистон шароитига мослаштирилган амалий чора-тадбирларни таклиф қилиш;

Халқаро тажрибани ўрганиш ва унинг элементларини Бюро фаолиятига интеграция қилиш имкониятларини кўриб чиқиш.

Тадқиқот натижалари Бюро фаолиятининг шаффоғлигини ошириш, коррупция хавфини камайтириш ва фуқароларнинг ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бундан

ташқари, таклиф этилган тавсиялар қонунчиликни такомиллаштириш ва институционал ислоҳотларни амалга оширишда амалий қўлланма сифатида фойдаланилиши мумкин.

Мажбурий ижро бюроси органларида коррупциянинг назарий асослари ва кўринишлари

Коррупция давлат бошқаруви ва қонун устуворлигининг асосий тўсиқларидан бири сифатида дунё миқёсида кенг ўрганилган мавзудир. Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунида коррупция "шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини қўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишида фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишида тақдим этиш" деб таърифланади. Бу таъриф коррупциянинг икки асосий элементга эга эканлигини кўрсатади: мансаб ваколатидан ноқонуний фойдаланиш ва моддий ёки номоддий фойда олиш.

Халқаро миқёсда коррупция тушунчаси кенгроқ доирада ўрганилади. Масалан, Transparency International коррупцияни "давлатга ишониб топширилган ваколатларни шахсий манфаатлар учун суистеъмол қилиш" деб таъкидлайди. Профессор Robert Klitgaard коррупциянинг пайдо бўлишининг математик формуласини таклиф қилган: "Коррупция = Монополия + Ихтиёрийлик - Ҳисобдорлик". Бу формуласи Бюро органлари фаолиятига тадбиқ этадиган бўлсак, ижро жараёнларида давлат ижрошилари томонидан қарор қабул қилишда ихтиёрийлик ва монополия ҳолатлари хос бўлиб, агар ҳисобдорлик механизми етарли даражада кучли бўлмаса, коррупция хавфи ортиб кетиши мумкин.

Бюро органларининг фаолияти суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларининг ижро этилишига қаратилган бўлиб, бу жараёнда қарздор ва ундирувчи ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш муҳим аҳамият касб этади. Бироқ, коррупция мавжуд бўлганда, бу жараён адолатлилик ва шаффоффлик принципларидан узоқлашади. Масалан, Бюронинг айрим ходимлари томонидан ижро ишларини асосиз равишида тугатиш ёки қарздорлар манфаати учун қонунбузарликларга йўл қўйиш билан боғлиқ бир қатор ҳолатлар қайд этилган. Бу каби ҳолатлар фуқароларнинг ҳукуқларини бузилишига олиб келади ва давлат органларига бўлган ишончга путур етказади.

Коррупциянинг ижтимоий-ҳукуқий таъсирини бир неча жиҳатларда кўриш мумкин:

Биринчидан, у қонун устуворлигига таҳдид солади. Масалан, агар давлат ижрошиси қарздордан пора олиб, ижро жараёнини тўхтатиб қўйса, суд хужжатининг ижроси амалга ошмайди, натижада ундирувчининг суд тизимига бўлган ишончи сўнади.

Иккинчидан, коррупция ижтимоий тенгсизликни кучайтиради. Профессор Susan Rose-Ackerman таъкидлаганидек, "коррупция энг кўп аҳолининг энг кам таъминланган

қатламларига заарар келтиради, чунки уларда коррупциявий схемаларга қарши курашиш учун ресурслар йўқ".

Учинчидан, коррупция иқтисодий ривожланишга тўсқинлик қиласди. Халқаро Валюта Жамғармасининг 2022 йилги тадқиқотига кўра, коррупция иқтисодий ўсишни йилига ўртacha 1.5-2% га камайтиради, чунки у инвесторларнинг ишончини пасайтиради ва ресурсларнинг самарасиз тақсимланишига олиб келади. Ўзбекистонда Бюро органларидағи коррупция тадбиркорлик субъектларининг мол-мулкини ноқонуний хатлов қилиш ёки қарздорликларни ундиришдаги адолатсизликлар орқали инвесторлар учун хавфли муҳит яратиши мумкин.

Бюро органларида коррупциянинг асосий кўринишлари

Бюро органларида коррупция турли кўринишларда намоён бўлади, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга ва ижро жараёнига ўзига хос таъсир кўрсатади. Қуйида уларнинг асосий турлари батафсил таҳлил қилинади:

Пора олиш ва бериш. Бу жараёнда Бюро ходими ижро ҳаракатларини амалга ошириш ёки аксинча, уларни амалга оширмаслик эвазига моддий фойда олади.

Мансаб ваколатини суюистеъмол қилиш. Бюро ходимлари ўз ваколатларидан шахсий манфаатлар учун фойдаланиши мумкин. Масалан, қарздорнинг мол-мулкини паст нархда сотиб, ушбу фойдани ўзига олиши ёки кредиторнинг талабларини асоссиз рад этиши каби ҳолатлар учрайди. Халқаро тадқиқотчилар буни "ихтиёрийликнинг юкори даражаси" билан боғлайди, чунки давлат ижрошлиари қўп ҳолларда қарор қабул қилишда мустақил равишида ҳаракат қилиш имконига эга.

Қонуний талабларни четлаб ўтиш. Давлат ижрошлиари қонунда белгиланган муддатларда ижро ҳаракатларини амалга оширмаслиги ёки ижро ишини асоссиз равишида тугатиши мумкин. Масалан, "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонунга кўра ижро ҳужжатларининг ижро қилиш муддати 2 ой деб белгиланган бўлса-да, коррупциявий омиллар туфайли баъзи ижро ҳужжатларининг ижроси йилларга чўзилиб кетиши мумкин. Бу ундирувчиларнинг ҳукуқларини бузилишига ва ижтимоий норозиликка сабаб бўлади.

Шахсий манфаатларни устун қўйиш. Давлат ижрошлиари қариндошлиқ, танишибилиш ёки бошқа шахсий алоқаларга асосланиб қарор қабул қилиши мумкин. Масалан, ходим ўз яқин қариндоши бўлган қарздорга ёрдам бериш мақсадида ижро жараёнини тўхтатиб қўйиши мумкин. Бу каби ҳолатлар қарорларнинг холислиги ва адолатлилиги таъминланмасдан Бюро тизимиға нисбатан норозиликлар пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Томонларга ёрдам бериш ёки тўсқинлик қилиш эвазига фойда олиш. Давлат ижрошлиари ижро жараёнида қарздор ёки ундирувчига ёрдам бериш ёки тўсқинлик қилиш

орқали моддий бойлик орттириши мумкин. Масалан, ундирувчига қарздорнинг мол-мулкини тезроқ ундириб бериш эвазига ундан пул талаб қилиши мумкин. Бундай амалиёт ижро жараёнининг объективлигига жиддий заар келтиради.

Бюро органларидағи коррупция унинг фаолият соҳасига хос бўлган хусусиятлар билан чамбарчас боғлиқ. Ижро жараёнидаги юқори даражадаги ихтиёрийлик, назорат механизмларининг етарли эмаслиги ва жамоатчилик иштирокининг чекланганлиги ушбу кўринишларнинг кенг тарқалишига сабаб бўлади. Хусусан, Бюорода давлат ижро чиларининг ижро хужжатларини бажаришда кенг ваколатларга эга бўлиши, лекин бу ваколатларнинг қўлланиши устидан самарали назорат йўқлиги коррупция хавфини оширади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Суд хужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунига кўра, давлат ижро чилари қарздорнинг мол-мулкини хатлаш, банк ҳисоб рақамларини музлатиш ва бошқа чораларни кўриш ҳукуқига эга. Бироқ, бу ваколатларнинг амалда қандай қўлланилиши кўп ҳолларда ходимнинг шахсий қарорига боғлиқ бўлиб, бу эса коррупциявий имкониятларни кучайтиради.

Халқаро тадқиқотчилар профессор John Gerring va Strom Thacker ўзларининг *Journal of Public Administration Research and Theory* журналда чоп этилган мақолаларида таъкидлашадики, “давлат органларида ихтиёрий ваколатларнинг юқори даражаси ва ҳисобдорликнинг пастлиги коррупциянинг институционаллашувига олиб келади”. Бизнинг фикримизча бу назария Бюро фаолиятига тўғридан-тўғри қўлланилди, чунки ижро жараёнидаги давлат ижро чиларининг қарорлари кўп ҳолларда мустақил равишда қабул қилинади ва уларнинг устидан тўғридан-тўғри назорат механизми етарли эмас.

Коррупциянинг оқибатлари: ижтимоий, иқтисодий ва ҳукуқий жиҳатлар

Бюро органларидағи коррупциянинг оқибатларини уч асосий йўналишда қўриб чиқиш мумкин: ижтимоий, иқтисодий ва ҳукуқий.

Ижтимоий оқибатлар: Коррупция ижтимоий адолатга путур етказиб, жамиятда тенгсизликни кучайтиради. Ўзбекистонда МИБ фаолиятидаги коррупция натижасида қарздорлар ва кредиторлар ўртасидаги муносабатларда адолатсизлик юзага келади. Масалан, агар Бюро ходими пора олиб, қарздорнинг мол-мулкини хатлашдан бош тортса, ундирувчи ўз қонуний ҳукуқларидан маҳрум бўлади. Бу эса ахолида давлат органларига нисбатан норозилик ва ишончсизликнинг ортишига сабаб бўлади. Халқаро тадқиқотчи Daniel Kaufmann ўз тадқиқотларида “коррупция давлатга бўлган ишончни пасайтириб, ижтимоий барқарорликка таҳдид солади” деб таъкидлаган.

Бундан ташқари, коррупция жамиятда “доиравий кафолат” тизимининг шаклланишига олиб келади. Масалан, Бюро ходимлари ўз танишлари ёки қариндошларининг манфаатларини химоя қилиш учун ижро ҳаракатларини бузишга

ҳаракат қилиши мумкин. Бу эса фуқаролар ўртасида адолатсизлик ҳиссини кучайтиради ва қонунга риоя қилиш маданиятининг пасайишига сабаб бўлади.

Иқтисодий оқибатлар: Бюро органларидағи коррупция мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Хусусан, ижро ҳаракатларидағи коррупцион омиллар тадбиркор субъектларининг молиявий барқарорлигига таъсир қиласи. Масалан, қарздордан қарз ундирилмаса ёки мол-мулк ноқонуний тарзда хатлов қилинса, бу ундирвучиларнинг молиявий йўқотишларига олиб келади.

Халқаро миқёсда олиб борилган тадқиқотларга кўра, коррупция иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатади. Масалан, World Bank тадқиқотчisi Paolo Mauro ўз мақоласида “коррупция инвестицияларнинг камайишига ва ресурсларнинг самарасиз тақсимланишига олиб келади” деб таъкидлаган. Мамлакатимизда бу муаммо хусусий секторга хорижий инвестицияларни жалб қилишда тўсиққа айланади. Бюро органларидағи коррупция бу хавфни янада оширади, чунки ижро жараёнларидағи адолатсизликлар тадбиркорлик мухитининг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Хуқуқий оқибатлар: Бюро органларидағи коррупция қонун устуворлигининг таъминланишига жиддий хавф солади. Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларининг ижроси белгиланган муддатларда таъминланмаслиги судлар ҳамда бошқа ваколатли органларнинг иш самарадорлиги ва обрўсига путур етказади. Халқаро тадқиқотчилар Susan Rose-Ackerman ва Judyth Twigg ўзларининг *Corruption and Government* китобида “коррупция суд тизимининг мустақиллиги ва самарадорлигини пасайтириб, қонун устуворлигининг бузилишига олиб келади” деб таъкидлашади. Масалан, 2024 йил давомида Коррупцияга қарши кураши агентлигига фуқаролар томонидан мажбурий ижро бюроси ходимларининг хатти-ҳаракатлари ва ижро хужжатларнинг бажарилмаётганлиги бўйича 170 та мурожаатлар келиб тушган. Бундан ташқари, коррупция Бюро органларининг ички идоравий норматив хужжатларга риоя қилиш даражасини ҳам пасайтиради.

Бюро органларида коррупциянинг пайдо бўлиши бир қатор сабаблар ва омиллар билан боғлиқ.

Иш ҳақининг пастлиги ва ижтимоий таъминотнинг етарли эмаслиги. Бюро ходимларининг иш ҳақи уларнинг масъулияти ва иш ҳажмига нисбатан паст бўлиши коррупцияга мойилликни оширади. Профессор Johann Graf Lambsdorff таъкидлаганидек, “давлат хизматчиларининг паст иш ҳақи коррупцияга қарши курашишдаги энг катта тўсиқлардан биридир, чунки улар ноқонуний даромад манбаларини излашга мажбур бўлади”.

Шаффофликнинг етарли эмаслиги. Бюро фаолиятидаги ижро жараёнлари шаффоф бўлмаганлиги коррупциявий амалиётларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Масалан, қарздорнинг мол-мулкини сотишдаги аукционлар ёки ижро ишларининг тўхтатилиши каби жараёнлар кўп ҳолларда жамоатчилик назоратидан четда амалга оширилади.

Жамоатчилик назоратининг чекланганлиги. Бюро фаолиятида фуқароларнинг иштироки ва жамоатчилик назорати етарли даражада таъминланмаган. Халқаро тадқиқотчи Anne Marie Goetz “фуқароларнинг назорати коррупцияни камайтиришда муҳим рол ўйнайди” деб таъкидлайди.

Қонунчиликдаги бўшлиқлар. Бюро фаолиятини тартибга солувчи Қонун хужжатларида муайян бўшлиқлар мавжуд. Масалан, “Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 23-моддасида ижро хужжатидаги талабларни ихтиёрий равища бажариш учун назарда тутилган муддат “кўпи билан ўн беш кун” этиб белгиланиши диспозитив норма бўлгани сабабли уни амалиётга татбиқ этишда муайян субъектив ёндошувларга йўл қўйилиши ижро иши юритувида коррупцион ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин. Мисол учун, Қонуннинг амалдаги таҳрири муайян бир турдаги ижро хужжатини ихтиёрий равища ижро қилиш учун бир давлат ижрочиси қарздорга бир кун ихтиёрий муддат берса, айнан ушбу турдаги ижро хужжати бўйича бошқа бир давлат ижрочиси ўн беш кунлик ихтиёрий муддат белгилашига йўл қўяди. Шу муносабат билан, ижро хужжати талабини ихтиёрий равища бажариш учун қарздорга бериладиган муддатни қатъий ўн беш кун этиб белгилаш ижро иши юритишдаги тарафларнинг, хусусан қарздорнинг қонуний манфаатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қиласди.

Бюро органларида коррупцияга қарши курашиш механизmlари

Миллий ва халқаро қонунчилик

Қонуний механизmlар коррупцияга қарши курашишнинг асосий пойдевори сифатида хизмат қиласди. Ўзбекистонда бу йўналишда муҳим қадамлар қўйилган бўлиб, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун (ЎРҚ-419-сон, 03.01.2017 йил) ушбу соҳадаги асосий хуқуқий хужжатdir. Ушбу Қонун коррупциянинг таърифи, унинг кўринишлари ва давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайди. Халқаро миқёсда эса, БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси (UNCAC) дунё мамлакатлари учун асосий хуқуқий норма ҳисобланади. Ўзбекистон ушбу конвенцияни 2008 йилда ратификация қилган бўлиб, унинг 5-моддасида коррупциянинг олдини олиш бўйича миллий стратегияларни ишлаб чиқиш талаб қилинади.

Ички назорат тизими

Бюро органларида ички назорат тизими мавжуд бўлиб, бу тизим тизимли ва мунтазам текширувларга асосланган. Халқаро тажрибага кўра, ички назорат тизими мунтазам ва тасодифий текширувларга асосланиши керак. Масалан, Сингапурда Коррупцияга қарши курашиш бюроси (CPIB) давлат органларида йилига камида 500 та тасодифий текширув ўtkазади, бу эса коррупция хавфини сезиларли даражада камайтиради.

Одоб-ахлоқ кодекси

Бюро ходимлари учун маҳсус одоб-ахлоқ кодексини ишлаб чиқиш ва жорий этиш коррупциянинг олдини олишда муҳим қадам бўлиши мумкин. Ушбу кодекс манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, мол-мулк ва даромадлар тўғрисида декларация тақдим этиш, хизмат вазифаларини бажаришда холислик ва адолатлиликни таъминлаш каби талабларни ўз ичига олиши керак. Халқаро тадқиқотчи Robert Klitgaard таъкидлаганидек, “одоб-ахлоқ қоидалари ходимларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солишда муҳим рол ўйнайди, лекин уларнинг ижроси учун қатъий назорат зарур”. Мамлакатимизда бу йўналишда давлат хизматчилари учун умумий одоб-ахлоқ қоидалари мавжуд бўлса-да, Бюро ходимларига хос маҳсус кодекс ҳали жорий қилинмаган. Таклиф: МИБ органларида ички назорат тизимини кучайтириш учун ҳар чорақда тасодифий текширувлар ўтказиш тизимини жорий этиш ва ходимлар учун маҳсус одоб-ахлоқ кодексини қабул қилиш зарур.

Иш ҳақини ошириш

Бюро ходимларининг иш ҳақи уларнинг масъулияти ва иш ҳажмига нисбатан паст бўлиши коррупцияга мойилликни кучайтиради. Халқаро тадқиқотчи Johann Graf Lambsdorff таъкидлаганидек, “давлат хизматчиларига адекват иш ҳақи тўлаш коррупцияни камайтиришнинг энг самарали усуllibаридан биридир”. Сингапур мисолида бу усул муваффақиятли амалга оширилган. У ерда давлат хизматчиларининг иш ҳақи хусусий сектор билан рақобатлашади, бу эса коррупция хавфини сезиларли даражада камайтиради.

Ижтимоий таъминот

Иш ҳақидан ташқари, Бюро ходимларини ижтимоий таъминот билан қамраб олиш - уй-жой, тиббий хизмат ва бошқа имтиёзлар билан таъминлаш — коррупцияга қарши курашишда муҳим аҳамиятга эга. Масалан, Гонконгда давлат хизматчиларига уй-жой субсидиялари ва тиббий суғурта тақдим этилади, бу уларнинг ноқонуний даромадга эҳтиёжини камайтиради. Таклиф: Бюро ходимларининг иш ҳақини уларнинг масъулиятига ва иш ҳажмига мувофиқ ошириш ва уларга ижтимоий имтиёзлар (уй-жой субсидиялари, тиббий хизмат) тақдим этиш тизимини жорий этиш зарур.

Тарғибот ва ташвиқот

Бюорода коррупцияга қарши курашиш бўйича тарғибот ишларини қучайтириш ҳамда ходимлар учун коррупциянинг салбий оқибатлари ва унга қарши курашиш усуллари бўйича мунтазам ўкув курслари ташкил этиш зарур. Халқаро тадқиқотчи Anne Marie Goetz таъкидлаганидек, “таълим коррупцияга қарши курашишда узок муддатли самара беради, чунки у ходимларнинг ахлоқий қадриятларини мустаҳкамлайди”.

Рақамлаштириш

Рақамлаштириш коррупцияга қарши курашишнинг замонавий ва самарали усулларидан биридир. У инсон омилини камайтириб, қарорлар қабул қилиш жараёнининг шаффоғлигини таъминлайди. Бюро органларида ижро жараёнларини рақамлаштириш бўйича ишлар 2017 йилдан бошланган. Давлат ижрочилари томонидан олиб борилаётган ижро ҳаракатларининг аксарият қисми қоғозда амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда Бюро органларида “МИБ Портал” тизими амалиётга жорий этилган. Ижро ҳаракатларининг барча босқичларини электрон шаклга ўtkазиш ва фуқароларга онлайн кузатиш имкониятини яратиш коррупцион хавф-хатарларни камайтириб, фуқароларнинг Бюро органларига нисбатан ишончини оширилишига хизмат қилади.

Хуроса

Шундай қилиб, мақолада Мажбурий ижро бюроси органларида коррупциянинг асосий кўринишлари, оқибатлари ва сабаблари таҳлил қилинди. Муаммони ҳал этиш учун бир қатор механизмлар, жумладан одоб-ахлоқ кодексини жорий этиш, ички назоратни қучайтириш, ходимларнинг иш ҳақи ва ижтимоий таъминотини яхшилаш, тарғибот ишларини олиб бориш, ижро жараёнларини рақамлаштириш ва қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилди. Ушбу чоралар Бюро фаолиятининг шаффоғлигини ошириш, коррупция хавфини камайтириш ва фуқароларнинг ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ти Конуни, ЎРҚ-419-сон, 03.01.2017 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ти ПФ-60-сонли Фармони.
3. Rose-Ackerman, S. Corruption and Government: Causes, Consequences, and Reform. Cambridge University Press, 1999.
4. Klitgaard, R. Controlling Corruption. University of California Press, 1988.
5. Kaufmann, D. Corruption and Trust: A Vicious Cycle. World Bank Policy Research Working Paper, 1997.

6. Mauro, P. Corruption and Growth. *Quarterly Journal of Economics*, 1995.
7. Gerring, J., & Thacker, S. Political Institutions and Corruption. *Journal of Public Administration Research and Theory*, 2004.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида”ти Қонуни.
9. www.transparency.org
10. www.cambridge.org
11. www.kun.uz
12. www.lex.uz
13. www.anticorruption.uz
14. www.imf.org